*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2011 йил
26 октябрь
ЧОРШАНБА

№ 85
(12.409)

1928 йил 11 декабрда асос солинган | **Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси** | www.th.uz



## МИЛЛИЙ ЛИБОСЛАР ЖИЛОСИ

**Баҳор тимсолида табиат гўзаллиги, унинг бор сеҳри ва жозибаси қанчалик яққол акс этса, аёл тимсолида энг юксак инсоний фазилатлар шу қадар ёрқин намоён бўлади. Аёл ўзининг нафосати, латофати, садоқати, оналик меҳри билан ажиб тилсим.**

У кўнглимиз фариштаси, хонадонимиз чироғи, оила таянчи. Унинг сиймоси халқимиз тасаввурида азал-азалдан эзгулик ва фидойилик тимсоли бўлиб келган.

Бекободлик ҳунарманд Дилноза Умаровани ана шундай жонкуярлар қаторига қўшсак арзийди. У салкам ўн беш йилдан буён миллий либослар тикиш билан шуғулланади.

– Ҳар бир халқнинг миллий урф-одатлари, кийиниш маданияти ўзига хос, – дейди у. – Бизда ҳам аждодларимиздан мерос бўлиб келаётган миллий либосларимиз борки, улар халқимизнинг бой тарихи, ўзига хос турмуш тарзи, урф-одатларию анъаналарини акс эттиради. Шундан бўлса керак, йиллар ўтса-да, қадрини йўқотмайди. Аксинча, уларга бўлган қизиқиш кун сайин ортаяпти.

Айтиш жоизки, қўли гул аёл ўнлаб шогирдларга устозлик қилмоқда. Билганларини ёш авлодга сидқидилдан ўргатяпти. Устоз-шогирдлар атлас, адрас каби матоларимиздан 18 турда миллий либослар тикиб, халққа хизмат қилаётганларидан бениҳоя шодлар. Ҳунарманд аёл яқинда "Микрокредитбанк"дан 31 миллион сўм кредит олди. Энди у ишни янада кенгайтиришни, маҳсулот тури ва сифатини оширишни режалаштиряпти.

**Ирода МАҚСУДОВА.**

СУРАТДА: ҳунарманд Дилноза Умарова (ўртада) шогирдлари билан.

**Собир ЗУФАРОВ олган сурат.**

---

2011 ЙИЛ – КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ЙИЛИ

## ИЖТИМОИЙ ТАДБИРКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ

**"Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси томонидан ўтказилаётган "Art Week Style.Uz – 2011" санъат ҳафталиги доирасида "Ижтимоий тадбиркорликни ривожлантириш: тажриба ва устувор вазифалар" мавзуида халқаро бизнес ва маданият форуми бўлиб ўтди.**

Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси, "Аёллар кенгаши" Республика жамоат бирлашмаси ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур форумда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, тегишли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотларининг мутасаддилари ҳамда Буюк Британия, Россия, Франция, Жанубий Корея, Ҳиндистон каби мамлакатларнинг нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси А. Шайхов, "Аёллар кенгаши" Республика жамоат бирлашмасининг ижрочи директори Г. Салоҳиддинова ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка катта эркинлик ва имкониятлар берилаётгани мамлакатимиз иқтисодиёти ривожи, аҳоли, жумладан, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилаётганини таъкидлади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили, деб эълон қилинган жорий йилда ушбу йўналишдаги ишлар кўлами янада кенгайди. Бу эса аҳоли бандлигини таъминлаш, фаровонлигини ошириш, чекка ҳудудлардаги инфратузилмани янада ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бу жараёнда Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси, "Аёллар кенгаши" Республика жамоат бирлашмаси, "Меҳр нури" хайрия жамғармаси сингари нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳам қатор лойиҳалари билан фаол иштирок этмоқда. Бу эса чекка ҳудудларда аҳоли, айниқса, хотин-қизларнинг тадбиркорлик фаолиятларини қўллаб-қувватлаш, илғор ғоя ва ташаббусларини амалга ошириш учун яқиндан кўмаклашишга қаратилган.

Форумда ижтимоий тадбиркорликни ривожлантириш йўллари ва истиқболлари, бу борада юртимизда яратилган миллий қонунчилик асослари ҳақида атрофлича сўз юритилиб, Ўзбекистон ва хорижий мамлакатларнинг тажрибаси таҳлил этилди.

**Назокат УСМОНОВА, ЎзА мухбири.**

---

КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ДАСТУРИ:

## ХАЛҚАРО ТАЖРИБА ВА ҲАМКОРЛИК

**Тошкентда "Германияда Ўзбекистон бошқарув кадрларини қайта тайёрлаш" сифатини ошириш мақсадида "GIZ" халқаро ҳамкорлик жамияти, Ўзбекистон савдо-саноат палатаси, Ташқи иқтисодий алоқалар ва савдо вазирлиги ҳамкорлигида 2010 йил дастури ва 2006-2011 йил дастури битирувчилари учун Follov-up семинар тренинги ўтказилди.**

Унда Германия иқтисодиёти ва технологиялари Федератив вазирлиги, Ўзбекистондаги Германия иқтисодиёти клуби, "GIZ" жамияти ҳамда Ташқи иқтисодий алоқалар ва савдо вазирлиги, Ўзбекистон савдо- саноат палатаси ва Ўзбекистон менежерлар ассоциацияси вакиллари иштирок этди.

Бошқарув кадрларини тайёрлаш дастурида Ўзбекистон 2006 йилдан буён фаол иштирок этмоқда. Ўтган давр мобайнида 250 нафар ўзбекистонлик менежерлар қурилиш саноати, қишлоқ хўжалиги, консалтинг, молия, сармоя, маркетинг, экспорт, логистика, мева-сабзавот маҳсулотларини қайта тайёрлаш, халқ истеъмол молларини ишлаб чиқариш, меҳмонхона ва туризм каби кўплаб йўналишларда ўз малака ва кўникмаларини ошириб қайтишди.

Тадбирда ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш ва имзоланган ўзаро манфаатли шартномалар хусусида соҳа мутахассисларининг маърузалари тингланди.

**"Туркистон-пресс".**

---

**Мустақил Ўзбекистон дунё ҳамжамиятининг нуфузли ташкилотлари назарига тушиб, эътибор қозона бошлаган дастлабки йилларида, аниқроғи 1992 йилнинг баҳорида Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлган эди. Ҳозир мамлакатимизда бу ташкилотнинг саккизта агентлиги фаолият олиб бормоқда.**

## ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЎЗ ЎРНИ БОР

Улар БМТнинг Тараққиёт Дастури, Аҳолишунослик бўйича жамғармаси, Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ), Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, маориф, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти (ЮНЕСКО), гиёҳвандлик ва жиноятчиликка қарши кураш бошқармаси (ЮНОДС), ОИВ/ОИТС бўйича бирлашган дастури (ЮНЭЙДС) ҳамда Гендер тенглик, аёлларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва имкониятларини кенгайтириш масалалари тузилмаси (БМТ-Аёллар) каби ташкилотлардир. Шунингдек, Бреттон-Вуд тизимига кирган Жаҳон банки ҳам бошқа ташкилотлар қатори БМТ тизимининг Ўзбекистондаги фаолиятида иштирок этмоқда. Бу ҳақда БМТнинг Ўзбекистондаги доимий вакили Анита Ниродди хоним шундай дейди:

– Биз Ўзбекистон билан мамлакатдаги иқтисодий ислоҳотлар ҳамда бошқарув тизимини такомиллаштиришдан то инсон ҳуқуқларини қўллаб-қувватлашгача бўлган барча соҳаларда бирга ишлаб келяпмиз. Шунингдек, соғлиқни сақлаш, таълим соҳасини ислоҳ этиш, Ўзбекистоннинг маданий бойликларини ҳимоялашдаги ишларини қўллаб-қувватлаймиз.

(Давоми 2-бетда).

---

ҒАЛЛА

## ТАБИИЙ ИҚЛИМ ШАРОИТИГА МОС НАВЛАР ЭКИЛДИ

**Жорий йил куз мавсумида Тошкент вилоятида 122 минг 100 гектар суғориладиган, 14 минг гектар лалми майдонга ғалла экиш режалаштирилган эди.**

Айни кунларда суғориладиган майдонларга дон экиш ишлари якунига етказилди. Вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасидан олинган маълумотларга кўра, асосий майдонларга, аввалги йиллар тажрибасидан келиб чиқиб, ғалланинг "Таня", "Краснодар-99", "Москвич", "Чиллаки" каби ҳудуд тупроқ ва иқлим шароитига мос, серҳосил, тезпишар навлари экилди.

Янгийўл туманида ғаллачиликка ихтисослашган 129 фермер хўжалиги 9 минг гектардан зиёд майдонга уруғ қадади.

– Қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотлар жараёнида соҳага қаратилаётган катта эътибор туфайли ғалланинг кўплаб истиқболли навлари яратилди, – дейди Янгийўл туманидаги "Аҳмад-Фарруҳ" фермер хўжалиги раҳбари Ф. Тожибоев. – Бунда ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос иқлим шароити, сув ва тупроқ хусусиятлари ҳисобга олинмоқда. Фермер хўжалигимизда ҳам мутахассислар тавсияси асосида истиқболли ғалла навларини экиб, юқори ҳосил олишни мўлжалламоқдамиз. Айни пайтда келгуси йил ҳосили учун 80 гектар майдонга "Таня" навли ғалла уруғи экдик. Барча майдонларда майсани ундириб олиб, шу кунларда дастлабки ишлов беришни бошладик.

Вилоятда ғалла экилган майдонлар ўз вақтида суғорилиб, ҳозиргача 50 минг гектардан зиёд ердаги дон ундириб олинди. Фермер хўжаликлари томонидан ғаллани озиқлантириш ҳамда далага маҳаллий ўғит чиқариш ишлари уюшқоқлик билан бажарилмоқда.

**Л. СУВОНОВ, ЎзА мухбири.**

---

ЯНГИ ҚОНУН КУЧГА КИРДИ

**Буюк ипак йўли чорраҳасида жойлашган мамлакатимиз қадимдан минтақада муҳим геостратегик ўрин эгаллаб келади. Юртимиз ҳудудидан кўплаб асосий савдо йўллари ўтган. Истиқлол йилларида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда транспорт-коммуникация тизими Ўзбекистоннинг ана шу салоҳиятига мос равишда тараққий этмоқда. Мамлакатимиз транспорт тизимининг муҳим бўғини – темир йўл соҳасини ривожлантиришга мустақилликнинг дастлабки кунларидан алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бугунги кунда умумий узунлиги тўрт минг километрдан ошадиган темир йўлларимиз халқаро талабларга тўла жавоб беради. Айни пайтда мамлакатимизда юк ташишнинг қарийб 70 фоизи, экспорт ва импорт учун юк ташиш умумий ҳажмининг эса 80 фоизи темир йўл орқали амалга оширилаётир.**

## ТЕМИР ЙЎЛ ХАВФСИЗЛИГИ УЧУН ҲАММА МАСЪУЛ

– Темир йўл тизимининг энг асосий қоидаларидан бири хавфсиз ва кафолатли хизмат кўрсатишдир, – дейди Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти бош илмий ходими Эркин Ҳайитов. – Истиқлол йилларида соҳага қаратилаётган доимий эътибор самарасида бу борада улкан натижаларга эришилмоқда. Темир йўл тизимида амалга оширилаётган кенг кўламли ва изчил ишлар натижасида Ўзбекистон темир йўллари юқори технологияларга асосланган замонавий транспорт тизимига айланди.

Мустақиллигимизнинг йигирма йиллиги арафасида ишга туширилган юқори тезликда ҳаракатланувчи "Afrosiyob" электр поездининг ўзи ушбу соҳа нечоғли изчил ва жадал тараққий этаётганига ёрқин мисолдир. Йўловчилар учун барча қулай хизматлар муҳайё этилган мазкур поезд соатига 250 километр тезликда ҳаракатланади.

Айни пайтда темир йўлларда йўловчиларнинг хавфсизлиги масаласи ҳам давлатимизнинг доимий эътиборида. Бу борада, энг аввало, фуқароларимизнинг ҳаёти ва соғлигини муҳофаза қилиш, темир йўлда ташиш хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ ҳуқуқий асослар тобора мустаҳкамланмоқда. 2011 йил 9 сентябрдан кучга кирган "Темир йўл транспорти тўғрисида"-ги Ўзбекистон Республикаси қонунига темир йўлда ташиш хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ўзгартишлар ва қўшимча киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни ана шу мақсадга хизмат қилади.

1999 йилда қабул қилинган "Темир йўл транспорти тўғрисида"ги қонуннинг 12-моддасида йўловчилар, багаж ва юк багажини ташишга оид меъёрлар белгиланган. Ушбу меъёрларга кўра, темир йўл транспорти корхоналари йўловчилар, багаж, юк багажининг ўз вақтида манзилига етказилишини, вокзалларда ва поездларда йўловчиларнинг хавфсизлигини, уларга хизмат кўрсатиш учун зарур қулайликлар ва шароитлар яратилишини таъминлаши шарт. Шунингдек, ушбу моддада поездларнинг ҳаракатланиш вақти, турли тўловлар миқдори, йўловчиларга кўрсатиладиган хизматлар тўғрисида зарур ахборот билан таъминлаш тартиблари ўз ифодасини топган.

Янги қонун асосида ушбу модда янада такомиллаштирилди. Аниқроқ айтганда, қонуннинг 12-моддаси олтинчи қисми янги таҳрирда баён этилди. Эндиликда йўловчиларнинг ҳамда темир йўл транспорти ходимларининг ҳаёти ва соғлигини муҳофаза қилиш, темир йўлда ташиш хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ваколатли органлар вокзалга киришда белгиланган тартибда қўл юкини, багажни кўздан кечиради ҳамда йўловчилар ва бошқа шахсларни шахсий кўздан кечиради. Текширишдан бош тортилган тақдирда, вокзалга кириш тақиқланади, йўловчилар эса ташишга қўйилмайди.



Кўздан кечиришни ўтказиш ҳуқуқига эга бўлган ваколатли органларнинг рўйхати ва кўздан кечиришни ўтказиш тартиби, шунингдек, йўловчилар ва бошқа шахсларнинг вокзалларда бўлиш қоидалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Ушбу қонуннинг 20-моддаси ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, темир йўл транспорти ва бошқа техника воситаларидан фойдаланиш қоидаларини қамраб олган бўлса, қонунга киритилган янги 201-модда орқали темир йўлда ташиш хавфсизлигини таъминлашга қаратилган давлат назорати ва бошқа чоралар белгиланди. Унга мувофиқ, темир йўлда ташиш хавфсизлигини таъминлашга қаратилган давлат назорати ва бошқа чоралар ички ишлар, Миллий хавфсизлик хизмати органлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси томонидан уларнинг ваколатлари доирасида амалга оширилади.

Қонундаги яна бир ўзгартиш 26-моддага киритилган – темир йўл транспорти корхоналарининг жавобгарлиги янада аниқлаштирилди.

Қонунчиликда белгиланган хавфсизлик чоралари амалда ҳам изчил қўлланилмоқда. Жорий йилда юқори тезликда ҳаракатланадиган йўловчи поездлари ўтадиган ҳудудларда хавфсизликни таъминлаш мақсадида бунёд этилган муҳофаза ҳудудларида умумий узунлиги 684 километр темирбетон деворлар ва металл панжарали тўсиқлар ўрнатилди. Шу билан бирга, темир йўл йўлакларида махсус тўсиқлар ўрнатилиб, поезд ҳаракати вақтида уларни тўсиб қўйиш ва йўловчилар қатновини муайян муддат тўхтатиб туриш кўзда тутилган. "Тошкент – Самарқанд" йўналиши бўйлаб 89 ана шундай пиёдалар йўлаги барпо этилди. 97 қўриқловчи постлар қурилиб, мавжудлари таъмирдан чиқарилди.

Бундан ташқари, ички ишлар идоралари ходимлари, темир йўл хизматчилари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идоралари билан ҳамкорликда "Тошкент-Самарқанд-Тошкент" йўналишида тезюрар поездларнинг ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида рангли кўринишдаги эслатма ва талабномалар тайёрланиб, темир йўлларга яқин аҳоли пунктларига тарқатилди. Уларда юқори тезликда ҳаракатланувчи йўловчи поездлар йўналишига яқин жойларда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига, электр тармоқларини муҳофаза қилиш ва санитария қоидаларига қатъий риоя қилиш, поездлар қатновининг бузилишига олиб келиши мумкин бўлган ҳолатларга йўл қўймаслик таъкидланган. Шунингдек, йўл объектлари, сигнал бериш ҳамда алоқа иншоотлари ва бошқа қурилмаларга шикаст етказмаслик каби огоҳлантирувчи талаблар кўрсатилган. Ушбу талабларга риоя қилмаслик темир йўл тизимида ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга тўсқинлик қилгани боис мазкур меъёрларни бузганлик учун жавобгарлик белгиланган.

Қонун ҳужжатларига киритилган бу каби ўзгартиришлар, аввало, фуқароларнинг ҳаёти ва хавфсизлигини таъминлаш, темир йўлларда хизмат кўрсатиш сифатини янада юксалтиришга қаратилган. Бундай эзгу ишларга ҳисса қўшиш эса барчамизнинг бурчимиздир.

**ЎзА мухбири Норгул АБДУРАИМОВА ёзиб олди.**

---

## ГИЁҲВАНДЛИККА ҚАРШИ КУРАШ – БАРЧАМИЗНИНГ БУРЧИМИЗ

**Ҳозирги вақтда гиёҳванд моддаларга қарши кураш барча мамлакатларда ўта долзарб вазифага айланган. Маълумотларга кўра, дунёда ҳар йили ўн минглаб одам ушбу "заҳри қотил" қурбони бўлмоқда. Боз устига, улар нафақат ўзининг, балки яқинлари ҳаётига ҳам рахна солмоқда, жамиятга катта зарар етказмоқда. Аксарият ҳолларда нашавандлар юқумли касалликлар тарқатувчи ҳисобланади, ушбу "ажал оғу"си таъсирида эса турли жиноятлар содир этилмоқда.**

Гиёҳванд моддалар нима ва гиёҳвандлар ким ўзи? Ўзбекистонда уларга қарши кураш борасида қандай чоралар кўрилмоқда? Мамлакатимизда бу иллатга мубтало бўлганлар қандай даволанмоқда?

"Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси дирекцияси ходимлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Наркотикларни назорат қилиш миллий ахборот-таҳлил маркази ва Тошкент шаҳар наркология диспансери мутахассислари иштирокида ўтган семинарда бу ва бошқа кўплаб саволларга жавоб олишди.

Тадбирда Ўзбекистонда гиёҳванд моддалар контрабандаси ва уларнинг ноқонуний айланишига қарши курашиш, бу йўналишда халқаро ҳамкорликни кенгайтириш, касалликка чалинган беморларга тиббий ҳамда ижтимоий ёрдам кўрсатишга қаратилган Наркотикларни назорат қилиш давлат стратегияси амалга оширилаётгани таъкидланди. Мамлакатимиз 1995 йил февралда БМТнинг 1961 йилда қабул қилинган наркотик моддалар, 1971 йилдаги психотроп моддалар ҳамда 1988 йилдаги гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш тўғрисидаги конвенцияларига қўшилган. 1999 йилда "Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинган.

(Давоми 2-бетда).

**2012 йил учун**

**ОБУНА**

**бошланди**

**«Тошкент ҳақиқати»**

**газетаси индекси – 205.**

# ҲАМКОРЛИК РИВОЖЛАНМОҚДА

**Тошкентда Ҳиндистон Техник-иқтисодий ҳамкорлик дастури (ITEC) билан ҳамкорликка бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизнинг қатор вазирлик ва идоралари, халқаро ва жамоат ташкилотлари ҳамда юртимизда аккредитациядан ўтган дипломатик корпус вакиллари иштирок этди.**

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирининг биринчи ўринбосари А. Камолов ва бошқалар Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасидаги ўзаро манфаатдорлик, ҳурмат, ишонч ва азалий дўстлик тамойилларига асосланган муносабатлар барча йўналишларда изчил ривожланиб бораётганини алоҳида таъкидлади. Бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётир.

Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари кўплаб йўналишларда, жумладан, сиёсий, савдо-иқтисодий, сармоявий, таълим, соғлиқни сақлаш, инсон ресурсларини, илм-фан ва технологияларни, сайёҳлик ва маданиятни ривожлантириш соҳаларида жадал тараққий этмоқда.

Ҳиндистон дунёнинг қарийб 160 мамлакатида Техник-иқтисодий ҳамкорлик дастурини амалга оширмоқда. Ўзбекистон 1993 йилдан ITEC дастури бўйича ҳамкорлик қилмоқда. Ушбу дастур доирасида шу кунгача ўзбекистонлик ўнлаб мутахассислар Ҳиндистондаги нуфузли олий таълим муассасаларида ахборот технологиялари, сув ресурсларини бошқариш, банк иши ва молия, таълим, меҳмонхона бизнеси, журналистика, дипломатия, нодавлат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятларини ривожлантириш каби соҳаларда малака оширди.

Тадбирда мазкур дастур доирасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

**Ирода УМАРОВА, ЎзА мухбири.**

ҚИШЛОҚ МУЛКДОРЛАРИ



# ЧОРВАЧИЛИККА ҲАМ ЖИДДИЙ ҚЎЛ УРДИК

*дейди Чиноз туманидаги "Ўринбой ҳожи" фермер хўжалиги раҳбари Абдуғаффор Акромов*

Давлатимиз раҳбарининг фермер хўжаликлари экин майдонларини оптималлаштириш, янги-янги тармоқларга дадил қўл уриб, фаолиятларини изчил ривожлантириб боришлари учун зарур шарт-шароитлар яратиб бериш, молиявий қўллаб-қувватлаш борасида кўрсатаётган чексиз ғамхўрликлари кўпчилик фермерлар қатори Абдуғаффор Акромовга ҳам куч-ғайрат бағишлаб, эзгу орзу ниятларини рўёбга чиқариши учун кенг имкониятлар эшигини очиб берди.

Энди у нафақат туман, балки вилоятдаги энг йирик фермер хўжаликларидан бирига айланди. Экин майдонлари 200 гектардан ошди. Унинг ярмидан кўпроғида пахта, қолганида асосан ғалла етиштиради.

Фермер хўжаликларини йириклаштириш ва улар тасарруфидаги ерларни оптималлаштиришнинг энг одилона йўли тендер танловлари эканлигини кўпчилик қишлоқ мулкдорлари амалда кўрдилар. Бундай танловларда асосан кўп йиллик тажрибага эга ва иқтисодий салоҳияти юқори фермерларга ишонч билдирилади. А. Акромов ўзининг шундай фермерлардан эканлигини кейинги йилларда амалда исботлади. Ҳозир хўжалик аъзолари 50 кишига етди. Ҳосилдорлик ҳам пахтада 35 центнердан, ғаллада эса 50 центнердан ошди.

Хусусан, бу йил сув танқис бўлишига қарамай, 112 гектар майдонда ҳар қачонгидан ҳам мўл пахта ҳосили етиштиришга эришилди. Йиғим-терим уюшқоқлик билан ташкил этилиб, шартнома мажбурияти ҳам пешқадамлар қаторида бажарилди. Давлат эҳтиёжлари учун 342 тонна ўрнига 410 тоннага яқин сифатли хом ашё сотилди. 332 тонна пахта биринчи навга қабул қилинди. Ҳосилдорлик 36 центнердан ошди.

– Энг муҳими пахтанинг ўзидан камида 80-90 миллион сўм соф фойда келиши ҳозирданоқ маълум бўлиб турибди, – дейди фермер А. Акромов. – Нақд ўзимизга қоладиган бу даромад техникаларимизни бутлаб олишимиз ва фаолиятимизни янада кенгайтириб боришимиз учун айни муддаодир.

Фермер ҳақ гапни айтди. Даромадга қараб буромад бўлади. Аслини олганда, хўжаликнинг техника парки ҳозир ҳам ёмон эмас. БТ-150 занжирли ҳайдов трактори, учта МТЗ-80, Т-28Х4 тракторлари ва ОВХ каби бошқа техника воситалари бор. Яқинда МТЗ-80 тракторлари қаторига яна биттаси қўшилади. Аммо, фермер учун техника қанча кўп бўлса шунча яхши. Қолаверса, қўшимча тармоқларга қўл уриш учун ҳам, албатта, маблағ керак бўлади. Шуни кўзлаб 2012 йил ҳосили учун 96 гектар майдонга кузги ғалла экишни режалаштириб, ишни аллақачон бошлаб юборишган.

– Бу йилги ғалла ва пахтадан оладиган даромадимизга ишониб, чорвачилик тармоғини ҳам йўлга қўйишни бошлаган эдик, – дейди фермер. – Тўғри қилган эканмиз. Пахтамизни охиригача саранжомлаб олгач, бу ишга ҳам астойдил киришамиз. Мақсадимиз – ҳозирча, асосан гўшт етиштириш йўналишида бўрдоқига новвос боқиш. Озуқани ғамлаб қўйганмиз. 12 та новвос бирин-кетин етилаяпти. Яқин вақт ичида уларни 50 бошдан оширмоқчимиз. Ҳисоб-китобимизга қараганда, чорва учун ем ҳам, экин майдонларимиз учун маҳаллий ўғит ҳам ўзимиздан чиқадиган бўлади. Умуман, чорвачиликни ҳам пахтачилик ва ғаллачилик каби рисоладагидек йўлга қўйиб олишимиз учун ҳамма имкониятлар бор.

**Самад ЙЎЛДОШ.**

СУРАТДА: фермер Абдуғаффор Акромов.

**Даврон АҲМАД олган сурат.**

ТАРАДДУД

# ХОНАДОНЛАРГА ИЛИҚЛИК ВА ИССИҚ СУВ

**Кузнинг серёмғир, қишнинг совуқ кунлари бошланиши биланоқ, ёзнинг жазирамасини кўнгил тусайди. Қани энди йилнинг шу фаслларида ҳам хонадонларимиз иссиқ бўлса-ю, дераза ортидаги изғириндан этимиз жунжикмаса.**

Шундан бўлса керак, халқимиз "Қиш ғамини ёзда е" мақолига амал қилиб иш кўришга одатланган. Ахир вақтида бажарилган заҳматли меҳнат, фурсат ўтиши билан ўз самарасини кўрсатади, жонимизга оро киради.

Вилоятимизнинг барча шаҳар, туманларида бўлгани каби Бекобод шаҳрида ҳам куз-қиш мавсумига тайёргарлик қизғин паллада. Шаҳарда 52 та хусусий уй-жой ширкатлари бор. Улар 442 та кўп қаватли уйларга хизмат қилади. Демак, аҳолига йилнинг тўрт фаслида қулай шароит яратиш, уларнинг зиммасида.

Айтиш жоизки, бу йил 220 та уй-жойни мавсумга тайёрлаш режалаштирилган эди. Амалда 230 га яқини жорий таъмирланиб, кўрсатилган хизмат ва бажарилган ишлар учун 200 миллион сўм маблағ сарфланди. 150 та уй-жойда оқова-чиқинди сув қувурлари мукаммал таъмирланди. Шунингдек, ертўладаги ёпиқ, тик иссиқ ва совуқ сув қувурлари алмаштирилди. Яна 50 дан ортиқ кўп қаватли уйларнинг том қисми асбест қоплама билан ёпилди. 58 та уйнинг ертўлаларидаги таъмирлаш ишлари ойнинг охирига битказилиши кўзда тутилган.

– Ҳозир нафақат кўп қаватли уйлар, балки мактабгача таълим муассасалари ҳамда умумтаълим мактабларига миниқозонхоналар қуряпмиз, – дейди "Бекобод шаҳар хусусий уй-жой мулкдорлар уюшмаси" раиси Саъдулла Абдураҳимов. – Хусусан, шаҳардаги 17 та умумтаълим мактабидан 8 тасига қозонхона ўрнатишга улгурдик. 5 тасида эса ишлар давом этяпти. Бундан ташқари, 14 та мактабгача таълим муассасасидан 5 тасида маҳаллий аҳамиятга молик қозонхона қурилди. Айни кунларда 11-мактабгача таълим муассасасида "Ўзметкомбинат" корхонаси ҳомийлигида шундай ишлар олиб борилмоқда.

– Қозонхоналар қурилгани бизга катта қулайликлар яратди, – дейди 51А кўп қаватли уйда яшовчи Гулноза Зокирова. – Об-ҳавонинг кутилмаганда ўзгариши турли ноқулайликларни келтириб чиқарарди. Шундай пайтларда ҳам иссиқлик таъминотини белгиланган вақтда берилишини кутишга мажбур бўлардик. Ҳозир эса, бундай ноқулайликлар бартараф этилди.

"Мустақиллик" – аҳолининг эътирофига тушган ширкатлардан бири. У 9 та кўп қаватли уйларга хизмат кўрсатади. Бу ерда ҳам куз-қиш мавсумига тайёргарлик авжида. Кўп қаватли уйларнинг 4 тасида оқова-чиқинди қувурлар таъмирланди, 7 тасининг том қисми қоплама билан ёпилди, 14 та кириш йўлак эшиклари янгиланди. Хуллас, уй-жойларнинг 85 фоизида қилиниши лозим бўлган ишлар ниҳоясига етказилди.

**Ирода НОРБОЕВА, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

# ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЎЗ ЎРНИ БОР

Биз Ўзбекистоннинг наркотрафикка қарши курашиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, шунингдек ОИВ/ОИТС тарқалишининг олдини олиш борасидаги саъй-ҳаракатларида ҳам кўмаклашиб келяпмиз. БМТ Бош котиби Пан Ги Мун ва ўринбосари Хелен Кларк хонимнинг яқинда Ўзбекистонга ташрифи ҳам ташкилотимизнинг Ўзбекистон билан ҳамкорлиги нечоғлик аҳамиятли эканлигини кўрсатади...

Ҳақиқатан ҳам шундай. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг мақсад ва вазифалари инсонпарварлик тамойиллари устувор бўлган Ўзбекистон давлатининг эркин фуқаролик жамияти қуриш йўлидаги саъй-ҳаракатлари, мақсад ва интилишларига мос келади. 2000 йилда қабул қилинган Мингйиллик Декларациясини имзолаган Ўзбекистонда иқтисодий ўсишни узлуксиз йўлга қўйиш, маориф ва соғлиқни сақлаш соҳасида самарали дастурлар жорий этиш ва мингйиллик ривожланишни амалга оширишда барқарор ўсишга эришилмоқда. Шунинг учун ҳам Бирлашган Миллатлар Ташкилоти 2011-2015 йилларда Мингйиллик ривожланиш мақсадларини амалга оширишни жадаллаштириш борасидаги давлат режасини қутлаб, Ўзбекистон халқи билан яна узоқ муддат ҳамкорлик қилиш ниятида.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти куни муносабати билан ўтказилган матбуот конференциясида айтилган бу фикрлар бежиз эмас. Тараққиётга юз тутган, "ўзбек модели"ни амалга оширишга бутун куч-қудрати, салоҳиятини бағишлаётган Ўзбекистон халқи бундан буён ҳам жаҳон ҳамжамиятининг эътиборида бўлиши шубҳасиз.

**Сайёра РИХСИЕВА, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

**Жаҳон тиббиётида ортодонтия йўналишининг пайдо бўлиши тиш ва жағ нуқсонларини бутунлай соғломлаштиришга хизмат қилмоқда. Ушбу йўналишдаги илғор технологиялардан мамлакатимиз шифокорлари ҳам кенг фойдаланмоқда.**

# ОРТОДОНТИЯНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг ортодонтия ва болалар стоматологияси кафедраси олимлари бу борада Тошкент педиатрия тиббиёт институти ва Тошкент тиббиёт академияси мутахассислари билан ҳамкорликда илм-фан эришаётган ютуқларни амалга татбиқ этишга доир илмий-амалий лойиҳалар устида ишламоқда.

Ана шундай илмий янгиликларни кенг тарғиб этиш, халқимизга кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини янада ошириш мақсадида Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида ортодонтиянинг долзарб масалаларига бағишланган халқаро анжуман ташкил этилди. Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Республика ортодонтлар уюшмаси ҳамкорлигида уюштирилган тадбирда мамлакатимиз олимлари ва шифокорлари билан бир қаторда Жанубий Кореядан келган мутахассислар ҳам иштирок этди.

Юртимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида соғлиқни сақлаш соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар жараёнида тиббиётнинг барча йўналишларини изчил ривожлантириш, замонавий диагностика ва даволаш усулларини амалга кенг татбиқ этишга қаратилаётган эътибор ўз самараларини бераётир. Бундай имкониятлар ортодонтия соҳаси ривожига ҳам хизмат қилмоқда. Пойтахтимиз ва вилоятлардаги стоматология клиникаларида бу борада замонавий тиббий ёрдам кўрсатиш ишлари кенг йўлга қўйилган. Жаҳон тиббиётининг ушбу йўналишдаги илғор ютуқларини ўрганиш мақсадида дунёдаги тараққий этган илм-фан марказлари ва клиникалари билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган. Жанубий Кореядаги ортодонтия илмий-тадқиқот институти ана шундай ҳамкорлардан биридир.

Анжуманда тиш-жағ нуқсонларининг олдини олиш ва эрта аниқлашнинг замонавий усуллари, бирламчи тизимда профилактика ёрдами кўрсатиш самарадорлигини ошириш, даволаш-профилактика муассасаларида тиббий кўрик ва диспансер кузатуви ишларини ривожлантириш масалалари муҳокама этилди. Соҳада эришилаётган илмий янгиликлар юзасидан ўзаро тажриба алмашилди.

**ЎзА.**

# ГИЁҲВАНДЛИККА ҚАРШИ КУРАШ – БАРЧАМИЗНИНГ БУРЧИМИЗ

Ўзбекистон Республикасининг Наркотикларни назорат қилиш бўйича давлат комиссияси, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, бошқа ваколатли вазирлик ва идоралар ўз саъй-ҳаракатларини наркотик моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш бўйича аниқ мақсадли комплекс чора-тадбирларга, контрабанда каналларини ёпиш, гиёҳвандлик экинларини йўқ қилиш ва гиёҳвандлик иллати ёйилишининг олдини олиш, идоралараро ва халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга қаратмоқда. Наркотик моддаларни суиистеъмол қилиш ва уларнинг ноқонуний айланишига қарши курашиш бўйича 2011-2015 йилларга мўлжалланган комплекс чора-тадбирлар дастури доирасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётир.

– 2010 йилда 4,7 тоннадан зиёд гиёҳванд моддалар мусодара қилинди, тўққиз мингга яқин жиноят фош қилинди ва қарийб тўрт мингта жиноий иш қўзғатилди, – дейди Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Наркотикларни назорат қилиш миллий ахборот-таҳлил марказининг етакчи эксперти Андрей Мокий. – Афғонистонда етиштирилган гиёҳванд моддалар, чунончи, опий ва героин мамлакатимизга Тожикистон, Қирғизистон орқали ва бевосита Афғонистондан кириб келмоқда. Ваколатли органларнинг самарали саъй-ҳаракатлари туфайли Россия ва Европага наркотикларнинг транзит оқими камаймоқда.

Семинар қатнашчилари Ўзбекистонда ихтисослашган наркология ёрдами тизими ҳақида ҳам зарур ахборотга эга бўлди. Бу тизим саъй-ҳаракатлари руҳий ҳолатни кучайтирадиган моддаларга боғлиқликни эрта аниқлашни яхшилаш, комплекс реабилитация амалиётидан фойдаланишни кенгайтириш, ОИВни юқтирган гиёҳвандлар билан ишлашнинг янги самарали шаклларини яратишга қаратилган. Мамлакатимизда нафақат тиббий, балки ижтимоий ёрдам кўрсатишни ҳам ўз ичига олган замонавий наркология ёрдами модели фаолият кўрсатмоқда.

Тадбир давомида Ўзбекистонда гиёҳвандлик ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш ҳақида ҳикоя қилувчи ҳужжатли фильм намойиш этилди.

– Ҳар биримиз гиёҳванд моддалар ва гиёҳвандликка қарши курашга ўз ҳиссамизни қўшишимиз керак, – деди "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпаниясининг инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бошқармаси мутахассиси Фарҳод Юсупов. – Бу борада маҳаллалар, таълим муассасалари, корхона ва ташкилотларда тегишли тарғибот-тушунтириш ишларини кучайтириш зарур. Фақат шу йўл билангина гиёҳвандлик каби мудҳиш иллатнинг олдини олиш мумкин.

**С. ТОЖИЕВ, ЎзА мухбири.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

АНЖУМАН

# ЮҚОРИ ТЕХНОЛОГИЯ – ТЕЗ ТИББИЙ ЁРДАМ АСОСИ

**Республикамизда замонавий тез тиббий ёрдам амалиёт соҳаларидаги муҳим ютуқларни изчил ўзлаштириб, уларни соғлиқни муҳофаза қилишга йўналтириб бориши билан муҳим аҳамиятга эга. У жадал ривожланиб, нафақат ўз имкониятларини кенгайтиради, балки тиббиётнинг бошқа йўналишларига ҳам кучли рағбатлантирувчи таъсир кўрсатади. Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг бугунги фаолияти бунга яққол далилдир.**

Шошилинч тиббий ёрдам хизмати республика Президентининг махсус Фармойишига биноан мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида алоҳида энг йирик ташкилий тузилма сифатида ташкил этилиб, 2001 йилдан бошлаб таянч даволаш муассасалари қайта таъмирланиб, реконструкция қилинганидан сўнг тўлақонли фаолият кўрсата бошлади. Республика соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастурини ишлаб чиқишдан кўзланган аниқ мақсад мамлакатимизнинг барча ҳудудларида фойдаланиш имконияти бўлган юқори самарали шошилинч тиббий ёрдам тузилмасини ташкил этиш эди. Зеро, Ўзбекистонда олиб борилаётган ижтимоий йўналтирилган сиёсатда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишни мукаммал ташкил этиш, ташҳис қўйиш ва даволашнинг энг илғор усулларига асосланган юқори малакали тиббий ёрдамнинг умумреспублика тизимини яратиш муҳим аҳамиятга эга.

Бугунги кунда мақсадли Давлат дастури изчил амалга оширилмоқда. Мамлакатимиз Президентининг 2003 йил 26 февралдаги "Соғлиқни сақлаш тизимини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони мазкур соҳанинг жадал ривожланишига катта туртки бўлди. Фармонга мувофиқ мамлакатимизда йирик шифохоналар негизида ихтисослаштирилган тиббий марказлар ташкил этила бошланди.

Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази ҳамда унинг Қорақалпоғистон Республикаси ва ҳар бир вилоятдаги 13 та филиаллари давлатимиз раҳбарининг юқоридаги Фармони ижроси натижаси ўлароқ вужудга келди. Бундан ташқари, республиканинг 173 та аҳоли истиқомат жойларида туман тиббиёт бирлашмалари қошидаги шошилинч тиббий бўлинмалар сифатида шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг клиник филиаллари ташкил этилди. Шунингдек, тузилмада 189 та "03" хизмати станциялари ва 1985 та тез тиббий ёрдам бригадалари мавжуд.

Бугунги кунда республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази бир қатор йўналишлар бўйича нафақат Ўзбекистонда, балки Марказий Осиё минтақасида энг юқори мавқега эга. Бу ерда ўз ишланмалари асосида ноёб жарроҳлик операциялари амалга оширилади. Жумладан, очиқ юракда операциялар ўтказиш билан бирга, ишлаб турган, сунъий қон айлантириш тизимига уланмаган юракда ҳам операциялар қилинади. Чунончи, Аорта – коронар шунтлаш амалга оширилмоқда. Энг замонавий тиббий технологияларни қўллаш талаб этиладиган бу усулда жарроҳлик аралашувининг самарадорлиги ошади. Кардиохирургия бўлими 2010 йилда очилганига қарамай, бир йил давомида 110 та ноёб юрак операциялари муваффақиятли ўтказилди.

Дарвоқе, чет элларда бундай мураккаб операциялар биздагига нисбатан бир неча баробар қиммат туради. Ҳар кимнинг ҳам бунга қурби етмаслигини ҳисобга олиб, Ўзбекистон Президентининг Фармонига кўра, республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази ва унинг филиалларидаги хизматнинг ҳамма турлари бепул қилиб қўйилган. Ҳар йили мурожаат қиладиган 130 минг бемордан 80 мингга яқинига амбулатория, 50 мингга яқинига стационарларда хизмат кўрсатилади.

Маълумки, юрак ишимик касалликларига чалинган беморлар кўпаймоқда. Бу касалликларнинг асосийси юрак тож томирларининг артеросклерози бўлиб, бир қанча омиллар таъсирида томирнинг беркилиб қолиши бунга сабаб бўлади. Зудлик билан олиб келинган бундай беморлар марказнинг кардиореанимация бўлимига ётқизилиб, замон талабларига мос амалий текширувлар ўтказилади ва даъволанади.

Жумладан, 2008 йилдан шу кунга қадар 3444 беморнинг каронар ангиографик усулида томири очилди, 790 беморга темир пружина, яъни шикастланган тожтомир ичига стенд қўйилди. Натижада ўткир миокард инфаркти билан оғриган беморлар ўлими 1.3 фоиз камайди.

Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази соғлиқни сақлаш тизимидаги энг йирик илмий муассаса ҳисобланади. Бу ерда Вазирлар Маҳкамаси қошидаги фан ва техникани ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгашнинг фан ва технологиялар марказининг 17 та гранти бўйича илмий ишлар бажарилмоқда. Жумладан, амалий тадқиқотлар дастури бўйича 11, фундаментал тадқиқотлар бўйича 2, шунингдек, 3 та инновацион ишланмалар, ёш олимлар тадқиқотлари дастури бўйича битта мавзу молиялаштирилган.

Ҳозирги кунда республика шошилинч тиббий ёрдами илмий марказида 22 фан доктори ва 70 фан номзоди фаолият кўрсатмоқда. Марказ ташкил топгандан буён 11 фан доктори ва 56 фан номзоди диссертацияси ёқланди. Илмий марказда кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш дастурига катта эътибор берилади. Ходимлар Россия, Украина, Жанубий Корея, Туркия ва бошқа мамлакатларда малакаларини ошириб келишмоқда. Шунингдек, бу мамлакатлардан келган етакчи мутахассислар юқори малакали тиббий ёрдам кўрсатишмоқда.

Илмий марказ ҳар йили ўтказаётган "Шошилинч тиббий ёрдам ташкилотининг долзарб муаммолари" илмий-амалий конференцияларида кўплаб маҳаллий ва хорижий касбдошлар иштирок этиб, дунё тиббиётидаги ноёб тажрибаларни муҳокама қилишади. Жумладан, Ўзбекистон шошилинч тиббий ёрдам шифокорлари Ассоциациясининг 2009 йилда бўлиб ўтган биринчи съездида 630 делегат, шу жумладан, 65 чет эллик мутахассис олимлар қатнашди.

Ассоциациянинг иккинчи съезди 2011 йил 27-28 октябрда ўтказилади. 500 мутахассисни жалб этувчи бу съезд навбатдаги форум бўлибгина қолмай, республикамиз соғлиқни сақлаш тизимидаги 10 йиллик самарали меҳнат натижасини сарҳисоб қилади, шошилинч тиббий ёрдам кўрсатишнинг долзарб масалалари, яъни жарроҳлик амалиётидаги муҳим масалалар, эндоскопик операциялар, ультратовуш томографияси ва бошқалар муҳокама этилиб, МДҲ ҳамда бошқа хорижий давлатлар шифокорлари билан тажриба алмашадилар.

**Йўлдош ЗИЁЕВ, республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази бўлим мудири, тиббиёт фанлари доктори.**

# МЕҲНАТ ҚАДРИ

**"Туркистон" саройида Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари ходимлари куни муносабати билан тантанали йиғилиш бўлиб ўтди.**

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Б. Матлюбов ва бошқалар истиқлол йилларида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда тинчлик, барқарорлик ва жамоат тартибини таъминлаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар юксак самаралар бераётганини алоҳида таъкидлади.

Тизимда ҳуқуқ-тартиботни сақлаш ва жиноятчиликка қарши курашишнинг замонавий усул ва воситаларидан фойдаланган ҳолда жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг самарали тизими яратилди, уюшган жиноятчилик, терроризм ва наркотрафикка қарши кураш янада кучайтирилди. Тезкор-қидирув хизматлари ва тергов бўлинмалари мустаҳкамланди. Йўл ҳаракати хавфсизлигини, пост-патруль, шунингдек, ёнғин хавфсизлиги тизими замон талабидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштирилмоқда.

Президентимизнинг шу йил 21 октябрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари ходимлари куни муносабати билан бир гуруҳ ходимларни мукофотлаш тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ мамлакатимизда тинчлик, барқарорлик ва жамоат тартибини таъминлаш борасидаги кўп йиллик шавкатли меҳнати, шунингдек, хизмат бурчини адо этишда кўрсатган мардлик ва фидойилиги, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилишдаги жасорати учун ички ишлар идораларининг бир гуруҳ ходимлари Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланди.

Тадбирда ана шу мукофотлар тантанали равишда топширилди.

**ЎзА.**

# СОНИЯГА МУҲРЛАНГАН ҲАЁТ

**Республика Бадиий академиясининг Тошкент фоточилар уйида фотография ижодий мактаб-студияси битирувчиларининг ҳисобот кўргазмаси бўлиб ўтди.**

Кўргазмага қўйилган 100 дан ортиқ турли жанрлардаги суратлар савия жиҳатдан ўзига хос мазмун акс этиб, унда кутилмаган ечим, услуб ранг-баранглиги етакчилик қилади. Оқ-қора, рангли, манзара ва натюрморт, психологик портрет, репортаж ҳамда фешион-фотографияларидан иборат суратларда ёшликка хос дадиллик, ғайрат ва хушнудлик ҳаракати мужассам. Ёш муаллифларнинг тасвир қатига жойлаштирган ҳолатларида борлиқ ифодаси, кишилар турмуши ва ўйлари, болакайларнинг беғубор олами шу қадар табиий олинганки, унга беихтиёр тикилиб қолганингизни сезмайсиз.

Қизил зал бўйлаб намойиш этилаётган фотосуратлар томошабинларга ҳиссий ва эстетик қувват бериб, уларни ёш фотографлар авлоди билан яқиндан таништириши шубҳасиз.

**"Туркистон-пресс".**

**ТАДБИР**



# ХИЗМАТЛАРИ МУНОСИБ ТАҚДИРЛАНДИ

**Ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидан бораётган мустақил юртимизнинг ҳар бир муваффақияти замирида шубҳасиз, ички ишлар идоралари ходимларининг ҳам муносиб хизматлари бор. Мана беш йилдирки, 25 октябрь санаси юртимизда ички ишлар идоралари ходимлари куни сифатида кенг нишонланмоқда.**

Вилоят ИИБ ходимлари касб байрамларини ўзгача кўтаринкилик билан қарши олишди. Байрам тадбирида вилоят ИИБ шахсий таркиби, узоқ йиллар соҳада самарали меҳнат қилган фахрийлар иштирок этишди. Ички ишлар вазирлигининг касб байрами муносабати билан бир гуруҳ ходимларни мукофотлаш тўғрисидаги буйруғи эълон қилинди. Унга кўра, кўп йиллик хизматлари, шахсий таркибни Ватанга муҳаббат ва бурчга садоқат руҳида тарбиялашга қўшган ҳиссаси учун бир гуруҳ ходимлар Ички ишлар вазирлигининг "Фахрий ёрлиғи" ва "Аъло хизматлари учун" кўкрак нишони билан, яна бир гуруҳ ходимлар эса, жиноятчиликка қарши кураш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишдаги намунали хизматлари учун Ички ишлар вазирлигининг эсдалик қўл соатлари ва пул мукофотлари билан тақдирландилар.

Эл суйган санъаткорлар ва ёш ижрочилар иштирокидаги концерт дастури йиғилганларга байрам кайфиятини бахш этди.

**Хуршид РЎЗИЕВ,**
**катта лейтенант.**

**ХАЛҚ ТАЪЛИМИ**

**Кейинги йилларда Чирчиқ шаҳри халқ таълими муассасаларида таълим-тарбия жараёнларини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш, таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш орқали ислоҳотларни чуқурлаштириш, давлат таълим стандартлари ва янги ўқув дастурларини, илғор педагогик технологияларни жорий этиш борасида катта ишлар амалга оширилди.**

# БИЛИМДОНЛАР КАМОЛ ТОПМОҚДА

– Бугунги кунда шаҳримиз мактабларидан иккитаси "Кластер мактаблари", бештаси "Ахборот-ресурс мактаблари", биттаси эса, масофадан ўқитиш муассасаси сифатида фаолият кўрсатмоқда, – дейди шаҳар халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими мудири Тамара Йўлдошева. – Болаларни ўқитиб, тарбиялаётган ҳар ўн устознинг тўққиз нафари олий маълумотли педагоглардир. Мактабларимизда ўқитиш, таълим-тарбия ишлари билан шуғулланаётган барча ходимларнинг малакасини ошириб бориш, улар янги ўқув қўлланмалари ва дастурлари, замонавий педагогик технологияларни эгаллашлари ўқувчиларнинг билимларни ўзлаштириш даражасини кескин кўтарди.

Шаҳар мактабларида бу хулосани тасдиқловчи мисоллар кўп. Деярли барча ўқитувчилар 72 соатлик малака ошириш курсларида ахборот-коммуникация воситаларидан ўқитиш жараёнларида фойдаланиш малакасини эгаллашди. Фан олимпиадасининг сўнгги шаҳар босқичида 9-синфларнинг 685 ўқувчиси фаол иштирок этди. "Билимлар беллашуви"нинг шаҳар босқичида эса, 718 ўқувчи қатнашди. 9-, 21- ва 5-умумтаълим мактабларининг рейтинги энг юқори деб топилди. Шаҳардаги 24 та умумтаълим мактабидан 11 таси ўқувчилари "Билимлар беллашуви"нинг вилоят босқичида турли фанлар бўйича юқори ўринларга кўтарилишди, Чирчиқ шаҳри таълим муассасаларининг вилоятдаги рейтинги иккинчи ўриндалиги эътироф этилди. 20-мактабнинг 5-синф ўқувчиси Кенжали Эъвина рус тили ва адабиёти фанидан республикада иккинчи ўринни эгаллади. Ўтган ўқув йилида 4-синф ўқувчилари орасида илк бор "Билимлар беллашуви" ўтказилди. Унда турли фанлар бўйича 20-, 7-, 25-, 9-, 16-, 14- ва 3-мактаблар ўқувчилари юқори кўрсаткичларга эришишди.

– Ўқувчилар билимидаги бўшлиқларни тўлдириш, иқтидорли ўқувчиларни аниқлаш ва дарсларни ўзлаштиришдаги мураккаб мавзуларни белгилаб олишда "Билимлар беллашуви" муҳим аҳамият касб этмоқда, – дейди 5-умумтаълим мактаби давлат тили фани ўқитувчиси Ёдгора Абдуллаева. – Бу жараёнда чуқур қиёсий таҳлиллар ўтказилиб, методик тавсиялар тайёрланди. Илгари пастроқ натижа кўрсатган ҳамкасбларимиз дарсларни ва ўқувчилар билан якка тартибдаги ишларни шу асосда олиб бормоқдалар.

Бугун ўқитувчининг фаолиятини ахборот-коммуникация технологияларисиз тасаввур этиш қийин. 5-мактабнинг информатика фани ўқитувчиси Местуре Киббарова, 9-мактабнинг математика фани ўқитувчиси Розие Мамутова, информатика фани ўқитувчиси Эльвира Ажиосманова, 21-мактабнинг тарих фани ўқитувчиси Наима Эргашева, кимё фани ўқитувчиси Саида Юсуфбекова, 26-мактабнинг рус тили ва адабиёти ўқитувчиси Равшана Тожимуродова, 7-мактабнинг мусиқа фани ўқитувчиси Лобар Раимбоева каби педагоглар дарслар жараёнида интерфаол усуллардан самарали фойдаланиб, ўқувчилар ҳар бир мавзуни пухта ўзлаштириб олишларига эришаётирлар. Лобар Раимбоеванинг мусиқа дарсларида илғор педагогик технологияларнинг қўлланилишига доир тажрибаси алоҳида семинар машғулотида оммалаштирилди.

Ўқувчилар замонавий билимларни пухта эгаллашларини таъминлаш йўлидаги саъй-ҳаракатлар таълим муассасаларида ўнлаб ёш истеъдодларни рўёбга чиқариш имкониятини яратаётир. Улар орасидан бадиий ва халқ амалий ижодиётининг турли соҳаларида ўз иқтидорларини тобора фаол намойиш этаётган кўплаб ёшлар етишиб чиқмоқда. Сўнгги бир йилда 8 ўқувчи ва битта ўқувчилар жамоаси "Янги авлод" болалар фестивали, "Келажак овози" кўрик-танлови, "Зулфияхоним қизлари", "Қадриятлар бегисан, азиз маҳаллам" кўрик-танловларининг вилоят ва республика босқичларида муваффақиятли иштирок этишди. Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг 34 ўқувчиси эса, Муҳиддин Қори Ёқубов номидаги ва "Ягонасан, муқаддас Ватан!" кўрик-танловларининг вилоят ва республика босқичларида юқори натижаларга эришишди.

Бугунги кунда шаҳар таълим муассасаларидаги барча компьютерлар "вай-фай" симсиз локал ва интернет тармоқларига уланди. Мактабларнинг "ZiyoNET" ахборот-таълим тармоғига тўла уланганлиги эса, болаларнинг билимини тўлдиришда қўл келмоқда. Шу ўқув йилида 2-, 6-, 7-, 27-мактаблар "Pentium-IV" компьютерлари билан таъминланди.

Ҳозирги пайтда умумтаълим мактабларини таянч мактаблар даражасига кўтариш, ўқитиш чуқурлаштирилган синфларни кўпайтиришнинг уч босқичли дастури амалга оширилаётир. Бу ўқув йилида якунланадиган биринчи босқичда шаҳардаги бешта мактаб ўн фан бўйича таянч мактабларига айлантирилди. Келгуси ўқув йилида ўнта; 2013-2014 йиллари эса, еттита мактабни турли фанлар бўйича таянч мактабларига айлантириш учун ҳозирданоқ ҳаракат бошлаб юборилди.

**Жўра САЪДУЛЛАЕВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

# ФОЙДАЛИ ЛОЙИҲАГА ЖАМҒАРМА ГРАНТИ

**Оҳангаронлик фермер Гулчеҳра Пўлатова Ўзбекистон республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат жамғармасига аёл фермерлар учун ўқув маркази ташкил этиш лойиҳасини тақдим этган эди. Жамғарма лойиҳанинни маъқуллаб, яқинда фермерга 15 миллион сўмлик грант ажратганди. Грант лойиҳасида туманда аёл фермер ҳамда тадбиркорлар учун ўқув маркази ташкил этиш, семинар-тренинглар ўтказиш кўзда тутилган.**

Туман ҳокимлигида ўқув марказининг биринчи семинар-тренинги бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Фанлар академияси Фалсафа ва ҳуқуқ институти мутахассислари, Тадбиркорлик ва фермерчиликни қўллаб-қувватлаш маркази, вилоят фермерлар уюшмаси ҳамда тумандаги фермер хўжаликлари ва тадбиркорлик субъектлари вакиллари иштирок этдилар.



– Фермер Гулчеҳра Пўлатованинг ташаббусини вилоятда, қолаверса, бутун республикада оммалаштириш лозим, – дейди Ўзбекистон Фанлар академияси Фалсафа ва ҳуқуқ институти катта илмий ходими, фалсафа фанлари номзоди Гулсанам Тиллаева. – Бугун жойларда фермерлар учун ўқув маркази ташкил этиш жуда муҳим аҳамиятга эга. Зеро, марказ ёрдамида фермерларимизни ўйлантириб келаётган саволлар, турли муаммо ва масалалар ечимига мутахассислардан мукаммал жавоб олиш имконияти бор.

– Бугунги семинар биринчиси бўлгани боис кўпчиликни таклиф этиш имконияти бўлмади, – дейди Гулчеҳра Пўлатова. – Мақсадимиз соҳада оқсаётган фермер ва тадбиркорларимизга қўлдан келганча ёрдам бериш, банк, солиқ тизими билан ҳамкорликка оид муаммоларга ечим излашдир. Бир сўз билан айтганда, уларнинг фаолиятига кенг йўл очиб беришдир. Биз ҳар бир семинарга олдиндан жиддий тайёргалик кўрамиз. Ўйлантираётган саволлар ўрганилади ва шунга қараб мутахассисларни жалб этамиз. Бу галги семинарда ҳуқуқшуносларни таклиф этдик. Боиси, фермер ва тадбиркорларга қонун ҳужжатлари, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган чора-тадбирлар ҳақида маълумотлар бериш эди. Назаримда кўзлаган мақсадимизга эришдик. Келгуси семинарларимизда жаҳон тажрибалари ҳақида ўртоқлашиш ниятимиз бор.

Семинар иштирокчилари мамлакатимизда фермерчилик ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида қабул қилинган қонун ҳужжатлари билан кенг таништирилди. Бугун фермер хўжалигини ривожлантиришда қандай тўсиқлар борлиги, оилавий бизнес билан шуғулланиш учун яратилаётган кенг имкониятлар ҳақида маълумотлар берилди. Семинар давомида фермер ва тадбиркорлар ўзларини қизиқтираётган саволларга мутахассислардан атрофлича жавоб олдилар.

**Улуғбек ҲАМРОҚУЛОВ.**
**Еркебой БОТИРОВ олган сурат.**

**Истиқлол йилларида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида миллий урф-одат ва анъаналаримиз, диний қадриятларимиз қайта тикланди, юртимиз мусулмонлари ислом динининг барча фарзлари, жумладан, Ҳаж амалларини эмин-эркин бажариш имконига эга бўлди.**

# ҲАЖ ЗИЁРАТИ БОШЛАНДИ

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан Рамазон ва Қурбон ҳайити кунлари дам олиш куни деб эълон қилиниб, байрам сифатида кенг нишонланмоқда. Динимизнинг асосий амалларидан бири – Ҳаж ибодатини адо этишга кенг йўл очилгани Ўзбекистон халқининг бу борадаги орзу-умидларини рўёбга чиқаришда муҳим омил бўлмоқда. Мустақиллик йилларида минглаб юртдошларимиз муборак Ҳаж зиёратига бориб келиш шарафига муяссар бўлди.

Жорий йилда ҳам кўплаб ҳамюртларимиз муборак Ҳаж сафарига йўл олади. Уларнинг сафари кўнгилдагидек ўтиши учун барча шарт-шароит яратиб берилмоқда.

Бу йил муборак Ҳаж зиёратига отланган ватандошларимизнинг дастлабки гуруҳи Тошкент аэропортидан Саудия Арабистонига жўнаб кетди.

**ЎзА.**

**ЖАМОАТ ТАШКИЛОТЛАРИДА**

# ХАЙРЛИ ИШЛАР

**"Соғлом авлод учун" жамғармаси оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, кам таъминланган оилалар, етим ва ногирон болаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, фертил ёшидаги аёлларнинг саломатлигини яхшилаш мақсадида хотин-қизлар қўмитаси, "Маҳалла" жамғармаси, Ногиронлар жамияти билан ҳамкорликни кучайтириб, хайрли ишларни амалга ошираяпти.**

Жамғарма мутахассислари аҳоли ўртасида она ва бола саломатлиги, соғлом турмуш тарзи, қариндош-уруғлар ўртасидаги никоҳнинг олдини олиш, тўғри овқатланишга доир суҳбатлар ташкил этишаётир. Янгийўл тумани ҳудудида истиқомат қилувчи ёлғиз қариялар ҳам доимий эътиборда. Улар ҳолидан хабар олиниб, вақти-вақти билан озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечаклар тарқатиляпти, тиббий хизмат кўрсатилмоқда. "Саломатлик ҳафталиги", "Кичкинтой-ширинтой", "Отам, онам ва мен – оилавий спортчи", "Фарзанд соғлиги – она қувончи", "Сен ёлғиз эмассан", "Камалакдан ранг олган дунё" сингари тадбирлар мунтазам ўтказилмоқда.

"Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси вилоят бўлими ташаббуси билан 14 ёшгача бўлган бемор ўғил-қизлар чет эллик тажрибали шифокорлар назоратида даволаниб, зарур ҳолларда жарроҳлик операциялари ўтказилмоқда.

Яқинда Эски Қовунчи қишлоғида истиқомат қилувчи Абдуваҳоб Бойсеновга жамғарма ногиронлар аравачасини топширди.

**Зуҳра ҲАЙДАРОВА.**

"Бизнес Альянс" кредит уюшмаси ўз фаолияти Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2011 йил 17 сентябрдаги № 28/11-қарорига асосан тугатилаётганлигини маълум қилади. Даъво ва эътирозлар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 (икки) ой давомида қуйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Қизғалдоқ ҚФЙ, Д. Валиев кўчаси, 1-уй.

Мурожаат учун телефон: (8371) 142-72-22.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти судлари судьялари малака ҳайъати йигирма беш ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга, юридик ихтисос бўйича камида уч йиллик меҳнат стажига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини судьяликка номзодлар захирасига таклиф этади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Ш. Руставели кўчаси, 93-уй. Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят суди.

Телефонлар: 253-78-44, 253-17-60.

Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, Олимпия даҳаси, 7-уй манзилида жойлашган "ASAD-NIGMAT" МЧЖга тегишли бўлган Тошкент шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастр бошқармаси томонидан 2006 йил 1 ноябрда 2808-сон билан берилган маълумотнома йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Назарбек ҚФЙ, Лойиҳалаш кўчаси, 1-уйда жойлашган "ASHRAP OTA" фермер хўжалигига Тошкент вилояти Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизмати томонидан берилган № 867, 11-04-05-01-03-0022 рақамли ер ва кўчмас мулк кадастр ҳужжати йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Частное предприятие "XOFIZ ORZU", зарегистрированное в хокимияте Чиланзарского района (рег. № 004653), расположенное по адресу: г. Ташкент, Чиланзарский район, ул. Еттитерак, д. 57 (ИНН 301080787), **ЛИКВИДИРУЕТСЯ.**

Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня публикации объявления.

Олмазор тумани ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган "SABO-TRANS-SERVIS" масъулияти чекланган жамиятига тегишли бўлган бир дона думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Олмазор (собиқ С. Раҳимов) тумани ТСРЎИ томонидан 06.04.2007 йилда рўйхатга олинган "TEMGEN-BEK BUSINESS" масъулияти чекланган жамиятининг 001893 рақамли устави йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

**«Тошкентгазтаъминот» унитар корхонаси 2011 йил 21 октябрдан аҳолига Тошкент вилояти ҳокимлигининг молия бошқармаси 2011 йил 21 октябрда № ТВ-08-12-1-11-2011/1 реестри билан тасдиқланган янги нархларда газ ўлчагичлар ўрнатади.**

| Товар, иш, хизматлар номи ва қисқача техник тавсифи | Моделнинг тури, белгиси, артикул ёки рақами | Ўлчов бирлиги | Нархни белгилаш органлари декларация қилган (тасдиқлаган) ҚҚСсиз сумма |
|---|---|---|---|
| "Тошкентгазтаъминот" унитар корхонаси | Кўпқаватли уйларда яшовчи аҳолига газ ўлчагичи ўрнатиш | 1 дона | 17 000 |
| | Хусусий сектордаги уйда яшовчи аҳолига газ ўлчагичи ўрнатиш | 1 дона | 29 800 |

"KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда: 1. Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан 10.05.2010 йилдаги № 5731/22-сон ижро ҳужжатига асосан, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, 5-Аҳил кўчасида жойлашган ер майдони 256,0 кв., ум. фойдаланиш майдони 246,23 кв.м. ва яшаш майдони 119,77 кв.м., яшаш хоналар сони 5 тадан иборат бўлган 26-уй (хонадон ҳовли) бош. нархи – 250 000 000 сўм. 2. Чилонзор тумани СИБ томонидан 15.02.2010 йилдаги № 10-0916/20261-сон ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, К. Шарипов кўчаси, 50-уйда жойлашган ОАО "Узёғочқоғозсавдо" жамиятига тегишли, умумий майдони 199 кв.м. бўлган 3 қаватли маъмурий бинонинг 1-қаватининг бир қисми, бош. нархи – 68 755 000 сўм. 3. Сирғали тумани СИБ томонидан 25.11.2010 йилдаги № 29087-88/14-сон ижро ҳужжатига асосан, Тошкент шаҳри, Сирғали тумани, Сирғали-7 мавзеси, 62-уйда жойлашган, умумий майдони 93.40 кв., 4 хонадан иборат 9-қаватдаги 17-хонадон (тураржой) бош. нархи – 45 000 000 сўм. 4. Чилонзор тумани СИБ томонидан 25.03.2011 йилдаги № 10-1119/13367-сон ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 20-даҳада жойлашган, умумий фойдали майдони 74,0 кв.м.дан иборат бўлган 4 қаватли уйнинг 1-қаватидаги 9-уй, 3-хонадон офис биноси (нотураржой) бош. нархи – 75 000 000 сўм.

Аукцион савдолари 2011 йилнинг 25 ноябрь куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада бўлиб ўтади. Юқорида кўрсатилган кўчмас мулклар 2011 йилнинг 25 ноябрь куни сотилмаган тақдирда такрорий аукцион савдоси 2011 йилнинг 16 декабрь куни бўлиб ўтишини аввалдан маълум қиламиз.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO" МЧЖнинг АТИБ "Ипотека банк"-нинг Шайхонтоҳур филиалидаги 20208000104931635001, МФО 00425, ИНН 207128747, ОКОНХ 83400 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш расмий иш кунлари соат 9.30 дан 18.00 гача қабул қилинади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш кимошди савдоси ўтказилишига бир кун қолганда, яъни 2011 йил 23 ноябрь куни соат 18.00 да тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61. Лицензия: № 0039.

## XXI аср ва дунё

### САРКОЗИ КЭМЕРОННИНГ "ОҒЗИНИ ЁПДИ"

**Франция президенти Николя Саркози Буюк Британия бош вазири Дэвид Кэмерон билан масала талашиб, Европа зонасидаги иқтисодий таназзулга қарши чоралар ҳақида "оғиз юмиш"ни маслаҳат берди.**



The Guardian газетасининг ёзишича, Европа Иттифоқининг 27 мамлакати вакиллари иштирок этган якшанба саммитида Саркози шундай деди. Кэмероннинг Европа Иттифоқи иқтисодий таназзулга қарши тайёрлаётган чоралар асосий валюта сифатида еврога ҳали ўтмаган аъзо мамлакатлар иқтисодиётига хавф солиш хусусида якуний коммюникега киритган тузатиши Саркозининг жаҳлини чиқарган. У Буюк Британия расмийларининг тўхтовсиз танқидлари жонига текканлигини айтди. "Сизларнинг қандай яшаш ва нима қилиш кераклиги ҳақидаги танқид ва маслаҳатларингиздан кўнглимиз айнияпти, – деди Саркози. – Аввалига еврони ёқтирмаслигингизни айтиб, энди эса бизнинг ишларимизга аралашаяпсиз".

Николя Саркози ЕИдаги шерикларини банкларни тезроқ рекапитализация қилиш, барқарорлаштириш жамғармасини кўпайтириш хусусида келишиб олиш ва Грециянинг қарзларидан имкон қадар кечишга чақирди.



### ТУРКИЯДА КУЧЛИ ЗИЛЗИЛА

**Ал-Арабия телеканали Туркия сейсмологлари маълумотига таяниб, 23 октябрда юз берган кучли зилзила оқибатида 500 дан 1000 нафаргача киши қурбон бўлганлигини хабар қилди.**

Россиянинг "Новости" ахборот агентлигининг маълум қилишича, маҳаллий ҳукумат ҳозирча 80 киши ҳалок бўлганини тасдиқлади. Турлича таъкидларга қараганда, Туркиянинг шарқидаги Ван шаҳри ҳудудида юз берган ер силкинишининг кучи 6,6 ёки 7,3 магнитудага тенг бўлган. Шаҳарда ўнлаб бино, жумладан, мактаб ётоқхонаси вайрон бўлган. Шаҳар аэропорти анча шикастланган. Шу боис бу ерга қутқарувчилар учиб келишолмаяпти.

Табиий офатдан жабрланганлар ҳақида ҳозирча маълумотлар эълон қилингани йўқ. Ахборот агентликлари хабарида бир неча юз киши жароҳатлангани айтилган холос. Кўпчилик қулаган бинолар харобалари остида қолган бўлиши мумкин.

Бу зилзила кейинги йилларда Туркияда юз берган табиий офатнинг энг кучлиси бўлди. Ер силкинишлари Эрон, Озарбайжон ҳамда Грузиянинг Туркия билан чегара ҳудудларида ҳам сезилди. Шунингдек, ўша куни Арманистонда ҳам 5 магнитуда куч билан ер силкинди. Тахминий ҳисобларга кўра, қурбон бўлганлар йўқ. Бироқ, зилзила туфайли мобиль алоқа издан чиқди.

## «ART WEEK STYLE.UZ – 2011»

**Ижодкорнинг бадиий тафаккур олами чегара билмайди, бироқ унинг ҳар бир асари аввало инсон камолотига хизмат қилиши лозим. Зеро, одамнинг оламдаги ўрни ва вазифаларини ифодалаш санъатнинг таянч нуқтасидир.**

# БЎЁҚЛАРДА ОЛАМ ВА ОДАМ МУНОСАБАТЛАРИ

Ўзбекистон Бадиий академиясининг Марказий кўргазмалар залида VI Тошкент халқаро замонавий санъат биенналеси доирасида очилган Миллий павильон экспозициясида ана шу жиҳатлар яна бир бора ўз ифодасини топди. "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ва Бадиий академия ҳамкорлигида ташкил этилган кўргазма мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллигига бағишланди.

Бу йилги биеннале "Замонавий санъат: жамият ва рассом ҳудуди" шиори остида ўтказилмоқда. Унга тақдим этилган асарларда жамиятнинг бадиий эстетик қарашлари тасвирий санъатнинг турли жанр ва услубларида акс эттирилган. Миллий павильон экспозициясида рангтасвир ва графика асарларидан ташқари, инсталляция, видео-арт каби замонавий санъат турларига ҳам алоҳида ўрин ажратилган.

Асарларда олам ва одам муносабатлари, ҳаёт моҳиятини англаш, ўз умрини эзгу тамойиллар ва ҳаёт қоидалари асосига қуриш, одамларга наф келтириб яшаш олий бахт эканлиги теран чизгиларда ифодаланган. Ўктам Саидовнинг "Ишонч" туркумидаги асарларида юксак инсонийлик, ҳаётга муҳаббат, азалий қадриятларга ҳурмат ва эътиқод тушунчаларидан иборат ўзбекона ҳаёт фалсафаси тақа, ковуш, исириқ каби миллий тимсоллар воситасида акс эттирилган.

Кўргазмада етмишга яқин ўзбекистонлик рассомларнинг икки юздан ортиқ асарлари намойиш этилмоқда.

**ЎзА.**

## МУЛОҲАЗА УЧУН МАВЗУ

# ПУЛ ТАРБИЯ ВОСИТАСИМИ?

Бош фарзандим ўғил бўлди. Қайнонамнинг биринчи набираси бўлгани учун "аллада азиз, тўрвада майиз" қилиб ўстиришди. Айтганини олиб беришди, доим пул билан сийлашди.

Кейинчалик унга дастёрликни ҳам юклашди. Дўкондан у-бу нарсаларни олиб келгани учун аввалига қайтим, кейин эса чиқиб келганига пул беришни одат қилишди. Қайнонамга минг гапирмай, кор қилмайди, "Ҳеч нарсадан кам бўлмай ўссин" дейди.

Қайнонам асли руҳшунос. Унинг фикрича, ҳар қандай меҳнат рағбатлантирилиши ва шунинг учун болага иш буюргач, пулини бериш келажак ҳаётида асқотишини уқтирарди.

Бир куни қўшни аёл унинг дўконга кетаётганини кўриб, бизга ҳам нон ола кел, деб пул берибди. Ўғлим нонни келтиргач, қайтимини бермабди. Ундай қилиш яхшимас, дея боламга танбеҳ берган экан, унда бошқа менга иш буюрманг, деб терс бурилиб кетибди. Қўшним менга қўнғироқ қилганида, ер ёрилмади-ю, ерга кириб кетмадим. Ўғлимни уришаётганимда қайнонам аралашиб, унинг ёнини олдилар. Доим шундай қиладилар. Натижада болам катта бўлгани сари мени менсимай қўйяпти.

Ўғлим ҳозир мактаб ёшида, бир куни эрталаб чўнтагимдан пул олаётганини кўриб қолдим. Охирги пайтлар пулларим камайиб қолаётганини сезардим-у, нимага ишлатаётганимни англамай, ўзимни паришонхотирликда айблаётгандим. Уни тутиб олиб терғагандим, пулларимни ўғирлаётганини тан олди. Яна қайнонам орага тушиб, ёнини олди. Пулдан қисганим учун ўғлим шундай қилганмиш ва мен айбдор эмишман.

Тушунолмай қолдим – ким ҳақ? Тўғри, ўзбекмиз, мевасидан мағзи ширин, деган нақл бекорга айтилмаган. Лекин масаланинг иккинчи томонини ҳам бува ва бувижонларимиз ўйлашмайдими? Тарбия шундай давом этса, боланинг келажаги нима бўлади? Фарзандларимиз ёшлигидан катта сарфлашга ўрганиб, ҳаётнинг биринчи зарбасидаёқ қоқилиб, таслим бўлиб қолмасмикинлар?

**Феруза МИРҲАМИДОВА.**
**уй бекаси.**

# ҚАРҒИШ ТЕККАН ҲУКМДОР



Бир вақтлар Россия подшоси тахтига ҳукмдорларни Олтин Ўрда хонлари тайинлаган. Беш-олтита князликлардан иборат бўлган мамлакатни ягона ҳокимият орқали идора қилишни маъқул кўрган Олтин Ўрда "Бутун руснинг улуғ князи" унвонини жорий қилиб, бу олий вазифага фақат ўзига маъқул бўлган князларни тайинлаб келган. Машҳур Александр Невский ҳам Олтин Ўрда тайинлаган Улуғ князлардан бўлган.

Бутун умр бир-бири билан жанг қилиб, ўзаро душман бўлиб яшаган рус князлари "Улуғ князь" унвонига эришиш учун бир-бирининг гўштини еб, кўзини ўяр, Олтин Ўрда олдида икки букилиб, ер ўпарди. Бу курашда, айниқса, Москва ва Тверь князликларининг душманлиги авжига чиққан эди...

1339 йилнинг куз ойлари эди. Бу пайтда Москва князи Иван Калита бўлиб, Тверь тахтида князь Александр ҳукмронлик қиларди. Олтин Ўрда тахтида эса машҳур Ўзбекхон ўттиз йилдан бери салтанат бошқариб, ҳукми остидаги барча халқларни аста-секин мусулмонликка ўтказа бошлаган эди. Рус князлари бундай сиёсатга қарши бош кўтармоқчи бўлишганда, Ўзбекхоннинг бир ҳамласи билан ҳаммалари ин-инларига кириб, итоат билан яна унга бош эгишган, мусулмончиликни қабул қила бошлашган. Шунда Тверь князлиги ўжарлик қилиб, князлик ерларида барпо этилган масжиду мадрасаларни бузиб, 1327 йилда катта қўзғолон кўтарди. Аммо қаттиққўл Ўзбекхон бу қўзғолонни тезда бостирди. Анча ақлли ва айёр бўлган Иван Калита шу қонли воқеаларни эслаб, ўз душмани Александр Тверскойдан ўч олиш ниятида Ўзбекхонга хабарномалар йўллаб, тверликларнинг ўз князлари бошчилигида яна исён кўтаришга тайёргарлик кўраётганлари ҳақида сохта ахборотлар юбориб туради..

Айнан ўша 1339 йилнинг кузида Москва князи Иван Калита ҳам, Тверь князи Александр Тверской ҳам тўсатдан Олтин Ўрда пойтахти Сарой Беркага чақиртирилди. Дарё соҳилидаги қия тепаликда, Дашти Қипчоқнинг нақ Ғарбий чегарасида шарқона услубда қурилган бу оддий шаҳар барча русларнинг юрагига ваҳима соларди. Чунки, Сарой Беркага чақиртирилган ўнга яқин рус князлари ўз юртларига қайтмаган эдилар. Шунинг учун Ўзбекхон ҳузурига чақиртирилган бу икки князь ҳам Ўзбекхон уларнинг тақдирини узил-кесил ҳал этажагини яхши билишарди. Уларнинг қай бирлари "Улуғ князь" унвонини олиб, бошқа бирлари эса қатл қилинишини ҳам дилдан сезардилар.

Ўзбекхоннинг Оқ ўтовига биринчи бўлиб Иван Калита чақиртирилди. Князь билан бўлиб ўтган қисқа савол-жавобдан сўнг Ўзбекхон қаршисида ўтирган давлатбегига жаҳл билан фармони олий ёздирди:

– Исёнкор Тверь князи қатл қилинсин!

Александр Тверскойнинг қатлини ўз кўзи билан кўришни истаган Москва князи Иван Калита ғалабасидан қувониб,ароқхўрлик қилар экан, унинг кўкрак чўнтагида "Бутун Руссиянинг Улуғ Князи" дея тасдиқланган Ўзбекхоннинг ёрлиғи бор эди. Бироқ, унинг энг катта ўғли Семён укалари билан Ўзбекхон саройида омонатга олиб қолинганлиги Иван Калитанинг юрагини кемирарди. Буюк Ботухон томонидан белгиланган бу тартибни Ўзбекхон ҳам бекор қилишга ботинолмаган эди.

Тверь князининг Олтин Ўрдада гаровда сақланаётган ўғли Фёдорнинг ҳам жонига қасд қилинди. Қатл қилинишидан хабар топган бечора Фёдор, қотилларнинг қўлидан қочар экан, ҳамюртим деб Семёндан паноҳ истаб, у яшаётган уйнинг дарвозасини қоқди. Аммо Семён, қўрқувданми ёки қайсарлик қилибми, дарвозани очмади. Шунда қотиллар қўлига тушган Фёдор, алам билан Семённи қарғади:

– Сенга ҳам худо лойиқ жазо берсин! Даҳшатли ажал сени ҳам домига тортсин!

Александр Тверской ҳам, унинг ўғли Фёдор ҳам ўлимни мардона кутиб олишди. Бошларини тик тутганча, жаллодларнинг олдига келишдида, кундага бошларини ўзлари қўйишди. Қатл маросимининг эртасига тверлик боярлар князларнинг жасадларини олиб, рус тупроғига жўнадилар. Умри фожиали тугаган бечораларга Владимир шаҳрининг черковида метрополит Феогност жаноза ўқиди.

Улуғ князлик мавқеига ёшлигидаёқ эришган Семён "Гордый" лақаби билан отасидан кейин Москва тахтига ўтирди. Аммо бахтли бўлолмади. Унинг литвалик биринчи хотини Айгуста тахтга ворис туғиб бермай, ўлиб кетди. Семёнга эса ворис жуда зарур эди. 1345 йили Улуғ князь Семён князь Фёдор Смоленскойнинг Евпраксия исмли қизига уйланди.

Ёш келин-куёвларни метрополит Феогностнинг шахсан ўзи никоҳлади. Аммо тўй куни Семёнга қаттиқ руҳий таъсир кўрсатган бир ҳолат юз берди. Келин ўтирган олти отли карета князь остонасига келиб тўхтаганида, кулранг аллақандай даҳшатли маҳлуқ Семённинг ёнидан учиб ўтиб, малика томон бурилдида, унинг танасига сингиб кетгандек, ғойиб бўлди. Кейин эса марҳум шаҳзода Фёдорнинг арвоҳи Семённинг кўз ўнгида гавдаланди.

Семён, ҳеч нарса бўлмагандек, ўзини қўлга олди. Дастурхонга ўтирилгандагина келиннинг афти-ангорига яхшилаб қаради. Миқтидан келган келинчак, оддий рус аёлларидан сира фарқ қилмас эди. Князь келин томонга негадир бироз энгашганида эса, аллақандай ачитқи ҳид унинг димоғига гуп этиб урилди. Шундай қилиб Семён ёш хотинига яқинлаша олмади.

Черковдан роҳиблар чақиртирилиб, ўнлаб дуолар ўқилди, дам солиб, сарой "об-ҳавоси" лаънатлардан тозаланди. Аммо буларнинг фойдаси бўлмади. Шундан кейин Семён жодугару коҳинларни чақиртиришга мажбур бўлди. Бу ишлар князнинг руҳоний отасидан беизн бўлаётгани учун "илмиамалчилар" саройга тунда яширинча келиб, ҳуфя эшикдан чиқиб кетардилар. Улар ҳам ўз тилларида ҳар хил дуолар ўқишди. Семённинг тан-аъзоларига турли хил ўтлар, илдизлару жавоҳир тошлардан тайёрланган дори-дармонлар суришди. Бироқ, бунинг ҳам фойдаси бўлмади. Агар Евпраксияга яқинлашса, қандайдир даҳшатли куч билан қўшилишаётгандек, князни ваҳима босарди. Тўғрида, танидан сасиётган мурданинг қўланса ҳиди келаётган маликани князь қандай қилиб қучоғига олсин?!

Руҳан жуда заифлашиб қолган Улуғ князь ўзи билан ўзи гаплашар экан, нуқул:

– Ўшанда Буюк Ўзбекхон саройида қилган гуноҳим учун Худонинг менга юборган азоби бу! – деб пешонасига урарди. – Ўшанда Фёдорга дарвозани очганимда, бундай бедаво аҳволга тушмас эдим! – деб ачинарди...

Учинчи хотин – Улуғ княгиня Мария бирин-кетин тўртта меросхўр шаҳзодаларни туғиб берди. Аммо вақт шаҳзода Фёдорнинг қарғиши ҳали ҳам ўз кучини йўқотмаганини кўрсатди: тўрттала ўғил ҳам ёшлигидаёқ бирин-кетин ўлиб кетишди. Бу ҳам етмаганидек, яна бир даҳшатли бало келди. 1346 йил Каспийбўйи давлатлари тарафидан эсган гармсел Европага ўтиб, унинг тўртдан бир аҳолисини қурбон қилди. 1352 йил Псков билан Новгород ерларида тарқалган вабо ярим аҳолини қириб юборди. Смоленск губерниясида атиги ўн икки одам қолган эди. 1353 йили эса фалак ўз лаънатини нақ Москвага ёғдирди. Қисқа вақт ичида метрополит Феогност, Семённинг укаси Андрей ва бошқа кўп таниқли одамлар ўлиб кетди. Ажал энди Семённинг тепасида парвоз этарди. Шунда ўттиз олти ёшли Улуғ князь сочини қирдириб, ўзига руҳонийча Созонт номини олдида, черков роҳиблигига ўтиб, тарки дунё қилди. Чунки у, Улуғ князлик салтанатининг пойдевори бегуноҳ ўлдирилган қурбонлар бошлари устига қурилганини тушуниб етган эди...

**Аъзам АЗИМИЙ.**

## НИГОҲ

# КОРРУПЦИЯГА ҒАРҚ БЎЛГАН ТУЗУМ

**Тожикистонда амал қилиб турган давлат тузуми аввал бошданоқ Имомали Раҳмоннинг шахсий манфаатлари учун хизмат қилиб келди. И. Раҳмон президент курсисини ўз яқинлари ёрдамида қўлга киритгач, пировардида улардан воз кечди. Яқиндагина сафдоши бўлганлардан айримларини ўлдиртириб юборди.**

"ААА" банкининг 90-йиллардаги раҳбари Мухтор Бобоев "қурбон"лар рўйхатига биринчи бўлиб кирди. Экспортга пахта жўнатиш операциялари айнан шу банк орқали амалга ошириларди. "Оқ олтин"ни четга сотишдан келадиган маблағнинг 200 минг долларидан кўпроғини банк Имомали Раҳмонга тўлар эди. Бундан ташқари, биринчи президент сайлови кампанияси олдидан Бобоев мамлакат шимолидаги аҳолининг овозини олишда бўлажак президентга ёрдам берди ва унинг тарғибот-ташвиқот кампаниясини молиявий таъминлади. Ўшанда Имомали Раҳмон миннатдорчилик сифатида Бобоевга республика бош вазири курсисини ваъда қилганди.

Аммо, сайловда ғолиб чиқиб, "иши битиб, эшаги лойдан ўтган" Имомали Шарифович берган ваъдасини "эсдан чиқариб қўйди". Бобоев бунга жавобан "ҳақ" тўлаб туришдан қатъий бош тортди. "Улуш" қистаб қилинган сурункали таъқиб ва таҳдидлар натижа бермади. Шундан сўнг президент қўрқитиш усулига ўтди. Душанбеда банкнинг бош бухгалтерини ўлдириб кетишди. Бундан чўчиган М. Бобоев Хўжандга кўчиб ўтди. Лекин, кейинроқ унинг ўз уйида шубҳали ҳолатдаги ўлигини кўришди. Орадан бироз вақт ўтиб, қотилликда айбланаётган кимсанинг ҳам жасадини топишди. Ўликлар эса, маълумки, гапирмайди. Шундай қилиб, жиноят калавасининг учи сувга чўккан тошдек йўқолди.

Ленинобод вилоятининг собиқ ҳокими А. Ҳамидовнинг Имомали Раҳмон билан умумий ҳамкорликдаги "иш"лари ҳам охир-оқибатда юқоридаги каби фожиали якун топди. У ўз вақтида президентнинг молиявий соҳадаги қинғир ишларига фаол ёрдам берган эди. Бироқ, 1996 йилда у лавозимидан айрилди ва мамлакатни шошилинч ташлаб қочди. 2001 йилда И. Раҳмоннинг кўрсатмаси билан ушланиб, узоқ йилларга қамоққа ташланди. 2010 йилда эса Ҳамидовнинг жонсиз жасади унинг қариндошларига топширилди. Шу воқеадан сўнг одамлар орасида миш-мишлар бошланди: Ҳамидовнинг ўлимига адлия вазирлигининг ташқи ишлар бошқармаси бошлиғи, Имомали Раҳмоннинг жиян куёви бўлмиш, "Зорро" лақабли Изатулло Шарифовнинг алоқаси бор экан.

Кечаги иттифоқчилари билан шундай тарзда шафқатсизларча ҳисоб-китоб қилган президент ва унинг бутун оиласи "аъзо"лари республика иқтисодиётини ўзларига амалда тўла бўйсундиришга муваффақ бўлдилар.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, мамлакат иқтисодиётини раҳмонлаштириш босқичма-босқич амалга оширилди ва бу ишни "оила №1" тўдаси аъзолари бажарди. Булар – очкўз, тутуруқсиз, шахсий бойлик учун ҳеч қандай қабиҳликдан қайтмайдиган одамлар. Масалан, "Рохи Охан" ишлаб чиқариш бош бошқармаси раҳбари, мамлакатга олиб келинадиган ёнилғи-мойлаш ашёларини назорат қилишни ўз қўлига тўла олган О. Ҳукуматулло ("Омони Калиш") Имомали Раҳмоннинг энг яқин кишиларидан бири. У Россияга қишлоқ хўжалик маҳсулотларини экспорт қилишдан келадиган даромадни ҳам ўзиники қилиб олган. Бохтар туманидаги боғдорчилик-виночилик давлат хўжалигининг автосалони ҳам унга тегишли.

Ҳикоя қилишларича, О. Ҳукуматулло ўзининг асосий бойликларини тарихий табаррук нарса – олтин зеб-зийнатлар савдоси орқали тўплаган. Булар 90-йилларнинг ўрталарида Хатлон вилоятининг Хуросан туманида олиб борилган қазилма ишлари пайтида топилган. Кейинчалик бу қимматбаҳо буюмлар хорижга олиб чиқилиб, сотилган.

Президентнинг яқинларидан яна бири Х. Асадуллозода ҳам худди шу иш – миллий бойликларни чет элга олиб чиқиб сотиш билан шуғулланади. У ўз вақтида барча экспорт-импорт операциялари, жумладан, пахта толасини хорижга сотиш вазифасини ҳам ўз зиммасига олган эди. Асадуллозоданинг бутун мамлакат миқёсида иқтисодиётга таъсири шу даражадаки, у Имомали Раҳмоннинг кўрсатмасига амал қилиб, ишлаб турган асосий савдо ва ишлаб чиқариш қувватларини очиш ёки ёпиш тўғрисида қарорлар қабул қилади. Жумладан, Хатлон вилоятида пахта толасини экспорт қилиш билан шуғулланаётган Илҳом ("Ботурободи") ва Нусратий ("Бетурсик") каби тадбиркорларнинг саъй-ҳаракатлари билан президент ғазнаси тушумга тўлгач, улардан тўла миқдорда фойдага эга бўлиш мақсадида Х. Асадуллозода ўша тадбиркорларга қарашли бўлган, Россия ва Қозоғистондан республикага олиб келинадиган ёнилғи-мойлаш ашёлари каналини ёпиб қўйди.

Тожикистоннинг давлат бошлиғи билан жиноий риштaлар орқали боғланган айрим амалдорлари республика бюджетининг катта миқдордаги маблағларини ўмармоқдалар. Тожикистон бош вазири Муродали Алимардоннинг саъй-ҳаракати бунга ёрқин мисол. Ҳозир у бюджет маблағларини жалб этиб, республикадаги қурилиш ашёлари бозорини ўз қўлига олишга ҳаракат қилаяпти. Муродалининг давлат маблағлари ҳисобига Душанбе шаҳри ва Ҳисор тумани ҳудудида бир нечта ҳашаматли қасрлар қургани кўпчиликка маълум. Бу амалдор мансаб лавозимидан фойдаланиб, 28 та фермер хўжалигини ўз қариндошлари номига расмийлаштириб қўйган. Уларда 1400 йилқи ва 10 минг бош қорамол боқилмоқда. Бош вазирнинг қариндошлари фақат 2010 йилнинг ўзида 12 та чет эл русумидаги нуфузли автомашиналар сотиб олишди. Уларнинг ҳар бири 200 минг доллар атрофида туради.

Бундан ташқари, бош вазир президентнинг биродари Нуриддин Раҳмон ҳамда хотинининг юқорида тилга олинган биродари Х. Асадуллозода билан биргаликда шахсий бизнес-лойиҳаларини амалга оширмоқда. Аммо, булар ҳам унинг учун кам. Бугунги кунда чет эл инвестициялари масалаларини ҳам у бошқаради. М. Алимардон мамлакатнинг биринчи "оиласи" учун хорижда кўчмас мулклар сотиб олиш масалалари билан ҳам шуғулланаётгани кўпчиликка маълум.

Шу нарса яққол ойдинлашмоқдаки, Имомали Раҳмоннинг оиласи, уруғ-аймоғи фақат ўзининг моддий фаровонлигини ўйлаб, кўп азият чекаётган халқининг муаммолари хусусида мутлақо бош қотирмайди. Ҳа, Тожикистон халқи оғир кунларни бошдан кечирмоқда.

**Шариф ҲАЙИТОВ.**
**«Белый Парус», интернет-газетаси.**

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди.**

## БЕКАЖОН

### «ПРЯНИК»

**Масалliқлар:** 4 ош қошиқ асал, 0,5 чой қошиқ сода, 4,5 стакан ун, 1 стакан сут, 250 г. маргарин, 4,5 стакан шакар, 2 ош қошиқ какао, 2 та тухум.

**ТАЙЁРЛАНИШИ:**

Ишни асал билан ош содасини аралаштиришдан бошлаймиз. Тайёр бўлган қоришма ўртача оловда қизартирилади. Унга шакар, сўнг маргарин ва какао солинади. Масса оловдан олингач, сут қўшилади. Устидан ун солиб, хамир қорилади. Хамирдан ёнғоқдай зувалачалар ясалиб, ёғ суртилган қасқонга терилади. У 20 дақиқа давомида димланиб пиширилади. Пишиб етилган хамирнинг усти глазурланиб, майдаланган ёнғоқ сепилади.

ЧП "ERKIN PARVOZ FAYZ", зарегистрированное отд. гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията Учтепинского района г. Ташкента, расположенное по адресу: Чиланзар-15, дом 14, кв. 101 (ИНН 301821314, ОКПО 23489593), **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (протокол собрания № 4 от 30.09.2011г.).

Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования данного объявления по тел.: 379-72-54.

## СУРАТКАШ ҲАЗИЛИ



Мутолаа жой танламайди.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

**Манзилимиз:** 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
**Телефонлар:**
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 236-55-54.
Эълонлар: 236-55-03, 236-55-59.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Навбатчи муҳаррир **Сайёра РИХСИЕВА**
Навбатчи **Юлдузхон МУҲИДДИНОВА**
Саҳифаловчи **Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ**

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-1042. Адади 6640. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 18.40. 1234